XIX-XX АСРДА ЎЗБЕК АЁЛЛАРИНИНГ УСТКИ ЛИБОСЛАРИ. ҲУДУДИЙ ФАРҚЛАР

Ю. Гайбуллаева

Ўзбек халқининг кийим-кечаклари кундалик ва одатларга асосланган – байрамларда, тўйларда ҳамда азаларда кийиладиган турларга бўлинган.

Тарихдан маълумки, инсоният тарихида биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти чорвачиликдан деҳқончиликнинг ажралиб чиқиши бўлса, иккинчиси деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши эди. Бу икки жараёнда аёллар етакчи бўлишган. Биринчи чорвадор, биринчи деҳқон аёл бўлган. Биринчи чевар ҳам аёл эди. Ғорларда, кулбаларда, уйларда улар либослар тайёрлашган. Узоқ асрлар давомида ўзбек халқининг этник шаклланиш жараёнида чеварлик хотин-қизларнинг асосий машғулотига айланган. Шу тариқа анъанавийлик кийим-кечакларда ўз аксини топган. Уларнинг тарихи оддийликдан мураккабга қадар такомиллашиб борган. Хотин-қизлар ўз оилалари кийим-кечакларини ўзлари тикишган. Бора-бора маҳорати ошганлар чевар сифатида ўз маҳсулотларини бозорга чиқара бошлаган. Секин-аста тикувчилик соҳасида ҳам ихтисослар вужудга келиб, профессионаллар етишиб чиққан. Бичиқчи, тикувчи, чевар, гулдўз, каштачи, тўнчи, мурсак тикувчи, паранжисоз ва бошқалар шулар жумласидандир. Ўзбек хотин-қизлари либосларида шу тариқа олис тарих ва кўҳна дунёқараш, одатлар ва маросимлар ўз аксини топган. Уларда халқнинг этник тарихи, ижтимоий муносабатлар, эътиқод ва эстетик идеаллар илдизлари ётади.

Ўзбекларнинг маросимий либослари халқнинг маълум локал гуруҳи маънавий маданияти билан боғланган янги символик асосда унинг асосий элементлари - чопонлар, рўмоллар ва бош кийимларнинг бирлашган мажмуасидан шаклланган. Кийим-кечакларнинг кўпгина элементлари ва деталлари асровчи ҳамда ҳимоя қилувчи сеҳргарлик қобилияти мавжудлигига ишончдан келиб чиққан. Бу белбоғ, этак, енгларда кўзга ташланган.

Қашқадарё аҳолиси аёллар рўйпўши-накидкаси желакнинг тикилмаган этаги кўп болалар туғилишига ёрдам беради, деб ўйлаган. Фарғона водийсида эса кўп болали оилалардан тўпланган мато парчаларидан тикилган кўйлакча болани ёмон кўзлардан сақлайди деб ҳисобланган.

Кийимнинг ташқи кўринишига ҳам сеҳрли ифода берилган. Матонинг ранги, нақши, зардўзлиги, заргарлик безаклари, тугмаларга ҳам шундай тус берилган. Кашталардаги “ҳаёт илдизи” серфарзандлик белгиси сифатида тўйларда безатилган. Байрам маросимларидаги танланган кийимлар матоси ҳам рамзий маънони билдирган.

Ўзбекистоннинг барча минтақаларида оқ ранг ўз маъносига кўра одамни барча иллатлардан тозаловчи нур ва оловни ўзида гавдалантирган. Шунинг учун ҳам келин тўй маросимида ички оқ кўйлак ёки оқ кийим кийган. Бу гўё янги ҳаётнинг туғилишига ишора бўлган. Тамбур шови билан тикилган кўйлак кашта кўйлак деб аталган.

Ўзбек хотин-қизлари ўз мулкий шароитларига қараб кийинишган. Камбағал ва ўртаҳол оилаларда кўйлаклар маҳаллий газламалар – бўз, олача, қалами жанда, ярим ипак адрас, беқасам, банорасдан, бадавлат оилаларда эса шоҳи ва хонатласдан тайёрланган.

Уйда улар бир кўйлакда, совуқда эса иккита кийишган. Байраларда бадавлат хотин-қизлар икки ё уч кўйлак кийишган. Ички кўйлак чит, сатиндан, қолганлари эса ипак, нимшойи – атлас, дуруй, адрас ва баҳмалдан бўлган.

XIX аср охирида Туркистон ўлкасида энг оммавий кўйлак курта бўлган. Хотин-қизларнинг кўйлаклари гулдор матосидан ташқари кенглиги ва узунлиги билан ажралиб турган.

Қизларнинг кўйлакларидаги горизонтал ўмизлар никоҳгача (Тошкентда) ёки биринчи фарзанд кўргунча (Фарғонада) турган. Узоқ йиллар Нанай қишлоғида ўзбеклар билан бирга яшаб хотин-қизлар турмушини яқиндан ўрганган эр-хотин Наливкинларнинг ёзишича, Фарғонада жувонлар анча муддат қизлик кўйлакларида юришда давом этишган. Фарзанд кўрганда эса кўйлакда махсус бурма ўйиқ бўлганки, у орқали болани эмизишган.

XIX аср охиридан кесма кокеткалар кўкрак бурмалар расм бўлган. XX аср бошларида эса бундай кўйлаклар миллий костюмнинг асосий шакл-шамойилига айланган. Узун кўйлаклар вақт ўтиб замонга монанд калта кўйлакларга айлантирилди. Аммо шунда ҳам хотин-қизлар костюмида анъанавийлик йўқолмади. Ипакдан, хонатласдан, панбархат, шерстдан тикилган кўйлаклар сақланиб қолди. Бу кўйлакларда ёқа муҳим роль ўйнаган. Аввалги кўйлакларда ёқа хотин-қизларнинг ёшларини кўрсатиб турарди. Қизчалар ва қизлар учун чок горизонтал, аёлларники тик бўлиб тикилган бўлса, эндиликда бунинг фарқи қолмади. Тик ва қайтарма ёқалар пайдо бўлди. Агар авваллари кийимдаги ўзгаришлар ёқа ҳажми ва кўринишларига даҳлдор бўлса, эндиликда кокеткадаги кўйлаклар буткул ўзгача бичимда бўлди. Янги бичимдаги елкаси очиқ чок, кесма кокеткали кўйлаклар ёқали, ярим доирали кокеткадаги ипак кўйлаклар “посон кўйлак” номи остида кенг тарқалди. Янги бичиқдаги кўкракбурма кўйлаклар урф бўлди. Аста-секин XX аср бошида бу кўйлак хотин-қизларнинг севимли анъанавий кийимига айланди. Бу кўйлакнинг юқори қисми – кокеткаси гавдага ёпишиб турган, кўкракдан пастки қисми эса кенг олинган ва сербурма қилиб кокетгача тикилган. Этакнинг гавдада кенг туриши, бир томондан тўғри бичиқдаги кўйлаклар каби ўтириб турган ва юрганда қулай бўлса, иккинчидан ёзнинг иссиқ кунларида салқин бўлган. Шуниси диққатга лойиқки, бу кўйлаклар XXI асрда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Балки, нафақат ўзбек аёллари кўйлаги ва яна ўлкамизда яшовчи бошқа миллат вакилларининг ҳам севимли кийимига айланган. Чунки кўкрак бурма кўйлакларида бошқа халқлар кийимлари бичимлари элементлари мавжуддир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Горшунова О. В. Внешний облик узбекской женщины: эволюция эстетических представлений

2. (конец XIX - конец XX в.) . ... – 5 №. – С. - 29

3. Полвонова Б. Эмансипация мусульманки. – Москва: 1982. – С. 204.

4. Нишонбоева Қ. В. Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал этишнинг маданий жиҳатлари. Тошкент: 1998. - Б. 120;

5. ЎзР МДА, Р-736- жамғарма, 1-рўйхат, 932-иш, 67- варақ.

6. ЎзР МДА, Р-737- жамғарма, 1-рўйхат, 836-иш, 118-варақ.

7. ЎзР ПДА, 58- жамғарма, 13-рўйхат, 1265-иш, 3- варақ.

8. Известия ЦК РКП(б). 1929. - № 7. - С. 5.

9. Янги йўл.1929. - № 11. – Б. 7.

10. Ислам и женщины Востока. - Ташкент: 1990. - С. 58.

11. Алимова Д.А. Женский вопрос в Средней Азии. ... - Б.55;

12. ЎзР МДА, 736- жамғарма, 1-рўйхат, 933-иш, 172- варақ;

13. Худжум-значит наступление. Ташкент: 1987. - С. 20.

14. Ўз Р ФА ЎТДМ Эф. Инв. № Э 6456. Колл. 95–62.